



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 8 август, № 162 (7120)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



«ЎЗБЕК МУМТОЗ ВА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли конференция қатнашчилари!

Қадрли дўстлар! Хонимлар ва жаноблар!

Авваломбор, сиз азизларни — дунёнинг олис ва яқин турли қитъа ва минтақаларидан юртимизга ташриф буюрган муҳтарам меҳмонларимизни бугунги адабий анжуманнинг очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизларнинг ушбу нуфузли халқаро конференциядаги иштирокингизни биз биринчи навбатда ўзбек халқига, унинг қадимий ва бой маънавий меросига, замонавий адабиётга бўлган чуқур ҳурмат ва эътиборингиз амалий ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Биз сизларнинг ҳар бирингизни ўзбек адабиёти ва маданиятининг муҳим билимдон ва жонқур тарғиботчиси, Ўзбекистоннинг чинакам дўсти, маънавий соҳасидаги ишончли ҳамкоримиз, деб биламиз ва сизларнинг олижаноб фаолиятингизни юксак баҳолаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий адабиётимизни ўз юртингизда ва халқаро майдонда бераз тарғиб ва ташвиқ этиб келаётганингиз учун барчангизга самимий миннатдорлик изҳор этишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Ҳар бир муҳим ва долзарб мавзуга бағишланган ушбу конференция Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга.

Бундан йигирма етти йил олдин халқимизнинг хоҳиш-иродаси

ва азму қарори билан қўлга киритилган миллий мустақиллик биз учун жаҳон халқларининг эркин ва озод оиласига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш, дунё ҳамжамияти билан барча соҳаларда, жумладан, маданий-гуманитар соҳада самарали ҳамкорлик ўрнатиш имконини яратиб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз таррақийтининг янги, юксак босқичига қадам қўймоқда. Биз миллий тикланишдан — миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва ишқорчи вазифа қилиб қўйдик. Бу улғу мақсадга эса жаҳон ахли билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшаш, очик демократик жамият қуриш, ҳаётимизда миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини янада кенг қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлигини биз яхши англаймиз.

Айни шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўп қиррали бу мавзунини бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераяётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш, келгуси вазифаларимизни белгилаб олиш, ўйлаш-манки, катта аҳамиятга эга.

Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган гоят мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир

қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган эътиборга молик ишлар, хусусан, илм-фан, таълим тарбия, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини изчил ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шароитида илм ва ижод ахлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, китобхонлик маданиятини ошириш каби вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани ҳақида сизлар конференция иши давомида етарлича маълумотга эга бўласиз, деб ўйлайман.

Бу ҳақда гапирганда, бир фикрга алоҳида урғу беришни ўринли, деб биламан. Биз Ўзбекистонда «Адабий дўстлик — абадий дўстлик» деган чуқур маъноли тамойилга амал қилган ҳолда, жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш мақсадида энг жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асарлар таржима қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олгани, бадиий таржима ва таржима-шунослик бўйича ўзига хос ижодий мактаб шаклланигани алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бир қаторда, асрлар давомида комил инсон тарбияси, адолатли жамият, шахс эркинлиги, Ватан озодлиги, бунёдкорлик, бағрикенглик ва байналмилалчи-

лик, одабийлик каби ўлмас ғояларни тараннум этиб келаётган мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўғириш ва чет элларда тарғиб этиш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада республикамиз таълим муассасаларида ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, тожик, қозок, қирғиз, туркман тилларида таълим бериш йўлга қўйилгани, олий ўқув юртимизда инглиз, француз, немис, испан, япон, хитой, корей, араб филологияси махсус фан сифатида ўқитилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда бу соҳада ҳам олдимизга кўпгина долзарб ва муҳим вазифалар турганини ҳам қайд этиш зарур. Хусусан, ҳозирга қадар жаҳон адабиётини она тилимизга таржима қилинган асарлар сонига қараганда, кўп ҳолларда ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш мақсадида энг жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асарлар таржима қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олгани, бадиий таржима ва таржима-шунослик бўйича ўзига хос ижодий мактаб шаклланигани алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бир қаторда, асрлар давомида комил инсон тарбияси, адолатли жамият, шахс эркинлиги, Ватан озодлиги, бунёдкорлик, бағрикенглик ва байналмилалчи-

лик, одабийлик каби ўлмас ғояларни тараннум этиб келаётган мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўғириш ва чет элларда тарғиб этиш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада республикамиз таълим муассасаларида ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, тожик, қозок, қирғиз, туркман тилларида таълим бериш йўлга қўйилгани, олий ўқув юртимизда инглиз, француз, немис, испан, япон, хитой, корей, араб филологияси махсус фан сифатида ўқитилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда бу соҳада ҳам олдимизга кўпгина долзарб ва муҳим вазифалар турганини ҳам қайд этиш зарур. Хусусан, ҳозирга қадар жаҳон адабиётини она тилимизга таржима қилинган асарлар сонига қараганда, кўп ҳолларда ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш мақсадида энг жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асарлар таржима қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олгани, бадиий таржима ва таржима-шунослик бўйича ўзига хос ижодий мактаб шаклланигани алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бир қаторда, асрлар давомида комил инсон тарбияси, адолатли жамият, шахс эркинлиги, Ватан озодлиги, бунёдкорлик, бағрикенглик ва байналмилалчи-

лик, одабийлик каби ўлмас ғояларни тараннум этиб келаётган мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўғириш ва чет элларда тарғиб этиш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ, ЮРТ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Тараққийнинг бугунги босқичида мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар изчиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш халқимизнинг орзу-истаклари рўйбининг муҳим кафолатидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 7 август кунини бўлиб ўтган мажлисида депутатлар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ислохотларнинг қонуний асосларини яратишга қаратилган, фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳалардаги манфаатларини таъминлашга доир бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқилди.

Депутатлар ўз ишларини «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгариш киритишни назарда тутишни қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 28 декабрдаги «Меҳнат фаолиятини олиб бораётган пенсионерларнинг алоҳида тоифаларига қўлай шaroитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига муво-

(Давоми 2-бетда).

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР «ҲУКУМАТ СОАТИ»ДА ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Янги иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушуми, аҳолининг турмуш сифати ҳамда даромадларини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва имиджини яхшилаш қабилар мамлакат раҳбарияти диққат марказида турган муҳим масалалар сирасига қиради. Бу каби ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилишида миллий иқтисодиётнинг энг муҳим секторларидан бири ҳисобланган туризмнинг ўрни беқийсдир.

Айни пайтда юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш бўйича изчил сиёсат юритилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланган 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури мамлакатимизда туризмни жадал тараққий эттириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, валюта тушумини кўпайтириш, инфратузилмаларни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг 7 август кунини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар билан туркистоннинг тақлифига биноан, мазкур дастурнинг жойлардаги ижроси тўғрисидаги масала бўйича депутатларга ахборот бериш ва уларнинг саволларига алоҳида жавоб қайтариш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари тақлиф этилди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг «Томорқа — тўкин дастурхон манбаи» мавзусида матбуот анжумани уюштирилди. Унда мамлакатимизда деҳқонларнинг меҳнатини рағбатлантириш, уларга иқтисодий кўмак бериш, фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани хусусида сўз борди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Инвестиция ва иқтисодий фаровонлик» мавзусида ўтказилган давра суҳбатига соҳа мутахассислари йиғилганларга давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йилнинг 1 август кунини имзоланган «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг мазмун-моҳияти хусусида гапириб берди.

● Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан матбуот вакиллари учун Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик кўриш ҳамда уни юксак савияда ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган йиғилиш ташкил қилинди. Тадбирда журналистлар мавзусидаги савол-жавоб олдилар.

Халқ сўзи муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

«Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди»



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан адабиётимизни халқаро миқёсда тарғиб этиш, унинг тарихини ўрганаётган, адибларимиз асарларини таржима қилаётган хорижий мутахассисларни ҳамкорликка чорлаш масалалари белгиланган.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Пойтахтимизда бошланган «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция бу борадаги амалий қадам бўлди. Ушбу ижодий анжуман миллий адабиётимиз ривожини йўлида амалга оширилган ишларни сарҳисоб этиш, жаҳон адабиёти

муҳитига кенгроқ назар ташлаш, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти дурдоналари билан атрофлича танишиш, уларни мунтазам чоп этиб бориш, ижодкорларнинг ўзаро фикр алмашиши, доимий дўстона, ижодий алоқалар ўрнатиши йўлидаги қўлай имкониятдир.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЛАНИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИДА

Сўнги бир ярим йилда Тошкентда амалга оширилган улкан ўзгаришларни кўриб ҳайратда қолдик. Эндиликда Тошкент кўчаларида Тожикистон ва Қирғизистон давлат рақамига эга машиналарни учратиш мумкин. Илгари бу ҳатто ақлга сизмасди. Етилган йўللар яна очилиб, одамларнинг узогини яқин қилмоқда. Бу жадал ривожланаётган Ўзбекистон ҳаётини айрим мисоллар, холос.

Шубҳасиз, бу биз учун мутлақо кутилмаган ҳодиса, деб айтолмаймиз. Чунки биз Шавкат Мирзиёев галаба қозongan 2016 йилги Президент сайловидида кузатувчи сифатида иштирок этганмиз. Ушунда ҳам ўзгаришлар нафаси уфуриб турган эди.

Биз Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига киришиш тантанали маросимида катнашиш бахтига муяссар бўлдик. Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мамлакатни ислоҳ қилишнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Ушунда

унинг валютани эркин конвертация қилиши жорий этиш, суд-ҳуқуқ соҳасида ислохотларни амалга ошириш, барча мансабдор шахсларнинг ҳисобдорлигини кучайтириш, яқин кўшилар билан янги ташки сиёсатни шакллантириш каби ташаббуслар

ри бизни тўлқинлантириб юборганини яхши эсламан.

Бирок бунинг учун эзгу мақсадларнинг ўзи қифоя эмас. Дунё таърибасидан маълумки, модернизацияни мустақам қонунчилик асоси, жамоат ва давлат аппаратининг ислохотларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги қўламли бирлаштирашдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Яқин истиқболда Марказий Осиё давлатлари учун ягона виза жорий этилиши устида иш олиб бориляпти. Хозирча бу ташаббус Ўзбекистон ва Қозғоғистон расмийлари ўртасида муҳокама қилинган бўлса-да, яқин кўшнилари Тожикистон, Қирғизистон ҳам бунга катта қизиқиш билдирмоқда.

«Silk road visa» ташаббуси илгари суриляпти

Ташкилотчилар бу ташаббус юртимизга келадиган сайёҳлар оқимини янада кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлашди. «Silk road visa» хорижий меҳмонларга қадимий Буюк Ипак йўлида жойлашган дурдона шаҳарлар тарихи билан яқиндан танишиш ва бугунги тараққиётдан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Банки, Австриянинг «Raiffeisen International Bank AG» банки ҳамда «Credit Suisse Group AG» молиявий конгломерати каби молия институтлари вакиллари билан бўлиб ўтган бир неча учрашувлар натижасида инвестицияларнинг жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш, энг аввало, мамлакатимизда инвестициявий фаолиятни хуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилди.

Бугун Сенатнинг Марказий Осиё давлатлари, Европа иттифоқи мамлакатлари, Россия, АҚШ, Япония, Корея Республикаси парламентлари аъзолари билан алоқалари самарали ривожланмоқда. Қўмита Грузия, Туркия парламенти делегацияларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини, шунингдек, Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги делегациянинг Беларусь Республикасига ташрифини ташкил этди.

Бундан ташқари, жорий йилда Туркия Буюк Миллат Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича Олий Мажлис парламентларо гуруҳининг ва Туркия Республикаси парламенти «Туркия — Ўзбекистон» парламентларо дўстлик гуруҳининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, Сенат томонидан Жаҳон банки, Европа тиклиши ва тараққиёт банки, Европа инвестиция

Мурожаатлар назоратга олинди

Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти яқунларига ва яқин истиқболдаги устувор вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Қайд этилишича, «Озёқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг давлат назорат органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш давомида қатор муаммолар аниқланди. Аввало, озық-овқат маҳсулотларининг сифатли ва хавфсизлигини таъминлашда мавжуд стандартларга амал қилинмаслик ҳолатлари мавжуд.

Шундан 899 тасида ердан сарматасиз фойдаланилаётганлиги аниқланди. Ўрганиш натижалари юзасидан фермерлар ва аҳоли билан кенг тушунтириш ишлари олиб борилди ва энг асосийси, мавжуд муаммоларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Сув таъминоти оғир бўлган Шовот, Янгияриқ, Қўшқўпир ва Хива туманларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи батафсил ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилди. Фўқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш самардорлиги ўтган даврда олдинги йилдагига нисбатан анча ошди.

Мисол учун, Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, Бошқорбоғ қишлоғининг «Чашмамаирон» маҳалла фўқаролар йиғини аҳолисида фўқароларни ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида мурожаат тушди. Бу мурожаат назоратга олинди, Қашқадарё вилояти ҳокимлигига тегишли хат юборилди.

Амалий тадбирлар йил якунига қадар янада юқори суръатларда давом эттирилиши билдирилди.

Муносибон ҚАРИМОВА.



Ҳадемай, умумтаълим мактаблари ўқувчиларни ўз бағрига олади, дарс машғулотлари бошланади. Ҳўш, таълим масканлари янги ўқув йилга тайёрми?

Бу саволга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тақдим этган статистик маълумотлар оидинлик киритади. Унга биноан, юртимиздаги мавжуд 9628 та мактабнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан режа-график ишлаб чиқилган бўлиб, 1 август ҳолатига қўра, мазкур таълим муассасаларининг 6828 таси янги ўқув йилига шай бўлса, 2800 таси тайёр эмаслиги аниқланган.



Умумтаълим мактаблари янги ўқув йилига тайёрми? Мактабгача таълим муассасалари-чи?

Худудлар кесимида айтиладиган бўлса, Фарғона, Навоий, Сурхондарё, Тошкент ва Наманган вилоятларида мактабларнинг аксари янги ўқув йилига ҳозир. Аксинча, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Андижон, Қашқадарё вилоятларидаги мактабларнинг ярми-дагина тайёргарлик ишлари амалга оширилган, холос.

Мазкур тадбирларни ташкил этишда айрим худудий ҳокимликлар ва бюротмачи ташкилотлар томонидан сути-кашликка йўл қўйилляпти. Худусан, бажарилган ишлар, ре-жага нисбатан, Навоий вилоятида 33 фойз, Сурхондарё вилоятида 36, Сирдарё вилоятида 38, Тошкент шаҳрида 44 фойзи ташкил этади.

Қуйда ушбу ҳолатларга тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари изоҳини келтирамыз.

Алишер УМАРОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари:

Мактабларнинг янги ўқув йилига тайёр ёки тайёр эмаслиги бўйича аҳолини, ота-оналарни хабардор қилиш мақсадида махсус электрон тابلло ташкил этилиб, уларга ахборотларни онлайн тарзда киритиб бормоқчимиз. Қолаверса, бу ишларни баҳолашда ота-оналар бизга ёрдам беришлари керак бўлади.

Яъни худудлардаги мактаблар мавсумга тайёр, дейилганидан сўнг уллар жойига бориб, сифатига баҳо берадилар. Шу орқали ота-оналар билан ҳамкорликни кучайтирамыз.

Бош прокуратура ва ФВВ ҳамкорлигида пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида айни йўналишда рейдлар ўтказилди. Айтиш жоизки, шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган режа-графика мувофиқ, 1 августгача тумандаги 34 та мактаб янги ўқув йилига тайёрлиги кўрсатилган. Аслида, вазият қандай?

Худуддаги 276-умумтаълим мактаби ўқув биносининг орқа тарафи сувсизликдан қақраб қолган бўлибгина ўқийди. 1987 йилда қурилган мактаб биноларига ташқаридан қараганда бинойидек кўринади, аммо синчиқлаб аҳамият берилса, иншоот авария ҳолатида турганини пайқаш қийин эмас.

Абдуғулом ҲАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи:

Қиладиган ишларимиз жудаём кўп. Албатта, муаммоларни қисқа муддатда бажариш қийин. Шу боис мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2021 йилгача махсус дастур қабул қилинди. Бунда, биринчи навбатда, таъмирлаш-қуриш ишларини энг чеكка худуддаги аҳоли оғир МТМлардан бошлаш режалаштирилган.

Рейд давомида Шайхонтохур туманидаги баъзи мактабгача таълим муассасаларининг мавжуд ҳолати билан ҳам танишилди. Маса-

Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мактабгача таълим вазирлиги маълумотларига қўра, республикамизда амалга оширилаётган «Обод қишлоқ» дастури доирасида 264 та, «Обод маҳалла» дастури доирасида эса 105 та мактабгача таълим муассасасининг тўлиқ таъмирланяпти.

Жорий йилда жами 736 та мактабгача таълим муассасаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси пировардида фарзандларимизнинг мукамал таълим-тарбия олишлари ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладди.

Нуриддин АТАМУХАММЕДОВ, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи:

Хозирги кунда бинонинг «Б» блокада 12 сантиметр силжиш бор. Шу боис бу ҳолат юзасидан тегишли идоралардан техник хулосалар ҳам олинган. 2019 йилдан бошлаб уни капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Мактаб мутасаддиларининг айтишича, хомийлар ваъдасига ишониб қолганини сабаб муассасида жорий таъмирлаш ишлари бажарилмаган. Бу ерда қилинётган юзак таъмирлаш ишлари мактаб жамоаси ҳисобидан амалга оширилляпти.

Мунаввара ҚАМАРИДДИНОВА, Шайхонтохур туманидаги 167-мактаб директори ўринбосари:

Стадионда қурилиши тугалланмаган бино бор эди. Тадбиркорлар улари бузиб, намунали ҳолатга келтирди, деб ваъда беришганди. Аммо... Ушбу муаммони тез кунда ҳомийлар кўмағида, албатта, ҳал қиламыз. Ҳозирги кунда кўриб, кимнингдир қуруқ ваъдасига ишониб, юзлаб ўғил-қизларнинг таълим-тарбиясига юзак қараб бўлармикан?! Йўқ, албатта.

Мактабгача таълим муассасаларидаги аҳоли бундан авло эмас. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилгандан сўнг тегишли му-таҳассислар билан биргаликда республикадаги барча 5240 та мактабгача таълим муассасаси аҳоли тўлиқ хат-

ловдан ўтказилди. Натижада улларнинг аксари янги таъмир-талаб аҳолида эканлиги, моддий-техника базаси янгиланмагани аниқланди.

Ҳоҳота маҳалласида жойлашган 21-МТМни оғирҳонага ўхшатиш мумкин. Боғча биноси 1935 йилда қурилган бўлиб, деворлари ва том қисми таъмир-талаб аҳолида. Йўлақлар нотекис, сунъий сув ҳавзасини санитария қондаларига тўри келади, деб бўлмайди. Муассаса му-дирасининг айтишича, ушбу боғча бузи-лиш рўйхатига тушгани сабабли бу ерда таъмирлаш ишлари тўхтаб қолган.

«Боғча барибир бузилади», деб, уни эъти-бордан четда қолдириш тўғримикин? Ахир бу ерда 60 нафардан ортиқ болалар тарбия-ланмоқда-ку!



Спортчиларимиз мустақиллигимизнинг 27 йиллигига муносиб тўхфа ҳозирламоқчи

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Абдуҳакимов сўзга чиқиб, бу галги Осиё ўйинлари барчамиз учун тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Гап шундаки, миллий спортимиз — кураш айнан ушбу мусобақа дастурига киритилган. Бу ҳар биримизга чексиз

гурур бағишлайди. Анжуман доирасида Ўзбекистон спорт делегацияси учун ишлаб чиқарилган спорт либослари тақдими ўтказилди. Маълум қилини-шича, либосларни тайёрлаш учун чет эл компаниялари томонидан катта қизиқиш билдирилди. Яқунда Ўзбекистон Миллий олимпия

қўмитаси Хитойнинг «QIESTE Co. Ltd» компаниясига тегишли «PRES-JOG» брендини танлади. Экипировкалар Индонезиянинг субтропик иқлимидан келиб чиқиб тайёрланган. Осиё ўйинларининг тантани очилиши маросимида делегациямиз байроғини таниқли боксчи Исроил

Мадримов оқиб чиқади. — Ушбу масъулиятли ва-зифа менга топширилганидан бениҳоя хурсандман, — дейди Исроил. — Бу ишон-чин олтин медаль билан оқлашга ҳаракат қиламан. Менда голиблик учун етар-ли мотивация бор. Чўнки олдинги Осиё ўйинларида финалгача етиб бориб, ку-

муш медални кўлга кирит-гандим. Энди уни олтинга айлантираман.

18 август кўни старт ола-диган Осиё ўйинларида юртимиз шарафини 232 на-фар атлет 30 та спорт тури бўйича ҳимоя қиладди.


О. ЛУТФУЛЛАЕВ. Б. АҚРАМОВ олган сурат.

Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тўздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурда Мажбурий ижро бюроси ташкил этилган эди. Ўтган вақт давомида Бюро ўзига юклатилган вазифаларни астойдил бажариб келмоқда, қарздорликларни ундиришнинг самарали тизими йўлга қўйилди.

ТўЛОВ ИНТИЗОМИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Масалан, МИБнинг Андижон вилояти бошқармаси ва унинг худудий бўлиmlари томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида истеъмолчилардан жами 452 миллиард сўм ундирилган. Бунинг 305 млрд. сўми электр энергияси, 132 миллиард сўми табиий газ ҳамда 15 миллиард сўми ичимлик суви тўловлари ҳиссасига тўғри келади. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида фўқароларнинг энергия ресурслари ҳамда ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Хонадонларда электр энергияси етказиб беришдаги узлишлар камайди.

2018 йилнинг 6 ойи давомида ундирилган маблағлар



Жиноятчига айланган истеъмолчи ёҳуд МИБ ходимларида нима айб?

роҳати етказиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Республика бўйича жорий йилнинг 1 август ҳолатига қўра, Мажбурий ижро бюросининг 96 нафар ходимига хизмат вазифасини ўташ чоғида қилинган тажовуз шундан далолат беради. Бунки қандай изоҳлаш мумкин?

Ана шундай ноҳўш ҳолатлардан бири — шу йилнинг 19 июль кўни Мажбурий ижро бюросининг Андижон тумани бўлими давлат инспектори Баҳром Ҳакимқулов билан содир бўлди. Вазиятга оидинлик киритиш учун воқеанинг аслида қандай кечгани ҳусусида сўз юритсак. Даставвал, Бюро ходимлари хизмат вазифаларини бажариш чоғида туманининг «Наврўз» МФЙ, Меҳнат кўчаси, 52-хонадонда яшовчи Ёдгор Охуновнинг электр энергиясидан 650 минг сўмлик қарзи борлигини аниқлашди. Табиийки, давлат инспекторлари томонидан хонадон соҳибига мавжуд қарздорликни тўлаб қўйиши учун белгиланган тартибда талабнома расмийлштирилади. Хонадон эгаси эса талабноманинг бир нусхасига имзо чекишдан бош тортиб, жанжал кўтарди.

яна бир инспектори ёрдамга келади ва ҳаммасини ҳимоя қиладди. Шифокор Улғубек Бобоевнинг айти-шича, бемор Баҳром Ҳакимқулов ўша кўни оғир жароҳат билан шифохонага келтирилган. Текширув натижалари асо-сида зудлик билан тиббий ёрдам кўрсати-лган.

— Ҳамманинг фарзанди ўзига азиз-да, — дейди қўзида ёш билан Баҳром-нинг онаси Рўзихон Ҳакимқулова. — Ўғлимнинг ҳамкасблари телефон қилиб, унинг шифохонага тушиб қолгани ҳақида хабар берганида, ишонасизми, бир зум ўзимга келолмадим. Шоша-пиша унинг ёнига етиб келдим, шўрки, шифокорлар назоратида экан. Ўғлимда нима айб, у ўзига юклатилган вазифаларни бажаряпти-ку!

Эндигина 27 ёшга кирган Ёдгор Охунов оилали, 2 нафар фарзанднинг отаси бўла туриб, жиноятга қўл урди. Хизмат вазифасини бажаряётган дав-лат инспекторига нисбатан содир эт-ган тажовузи учун Ё. Охуновга нисба-тан жиноят иши қўзғатилган ҳамда тер-гов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

2018 йилнинг 1 август ҳолатига қўра, Мажбурий ижро бюросининг 96 нафар ходимига тажовуз қилинган.

Шунинг ҳисобига ойлик маоши, стипен-дия, нафақа ва бошқа ҳаражатлар қопланади. Қарздорликларнинг вақти-да ундирилиши халқ турмуш даража-сини юксалтириш, аҳолига қўлай шарт-шароитлар яратиш, мамлакат фаровон-лигини таъминлашга қаратилган.

«Сўнги пўшаймон» — ўзинга душман», деган нақл беҳиз айтилмаган. Аслида Мажбурий ижро бюроси хо-димлари томонидан ундирилган маб-лағлар кимнингдир чўнтағига эмас, ак-синча, давлат газнасига келиб тушади.

2018 йилнинг 1 август ҳолатига қўра, Мажбурий ижро бюросининг 96 нафар ходимига тажовуз қилинган.



«жанжал кўтарсам мен билан ҳамма муроаса қиладди», деган хом хаёлда юрганлар, афсуски, қаттиқ янглишадилар. Бундай тажовузлар ҳеч қачон яхшилик олиб келмайди. Хулоса шунки, жиноятга жазо муқар-рар. Истеъмолчилар эса тўлов интизо-мига риоя қилса, бу брада масъулия-тини янада оширса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бош прокуратура ҳузурдаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

«Обод қишлоқ» дастури

Ҳар бир муаммонинг ечими бор. Фақат...



Президентимиз ташаббуси билан юртимизда илк маротаба Жиззах вилоятининг Манас қишлоғида амалга оширилган «Обод қишлоқ» дастури қисқа муддатда мамлакатимизнинг барча ҳудудига ёйилди. Халқ бу ўзгаришларни катта хурсандчилик билан кутиб олди. Давлат миқёсида умумхалқ ҳаракати айланди.

Юртбошимизнинг 2018 йил 29 мартда «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Обод қишлоқ» дастури 2018 йилда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида барча туманларда қишлоқ ва маҳаллалар танлаб олинди, бу ҳудудларда комплекс равишда бунёдкорлик ҳамда обodonлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Халқимиз турмушини янада яхшилаш, фаровон яшашни таъминлаш, энг чекка туманларда ҳам аҳолига шарҳлардагидан кам бўлмаган шарт-шароитлар яратиб бериш Президентимиз томонидан илгари сурилатган мазкур ташаббус замиридаги пировард мақсаддир.

Эътироф этиш керакки, ўтган қисқа фурсатда бу борада катта ва кенг қамровли янгиланишлар амалга оширилди. Хароб ҳамда абгор ҳолга келиб қолган қишлоқлар гўзал ва файзли гўшага айланмоқда. Кам таъминланган оилаларга яқиндан кўмак берилаётган бўлса, иш-сизларнинг доимий бандлиги таъминланяпти.

Лекин айрим мутасаддилар ва раҳбарларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги, ўз вазифасига совуққонлиги туфайли баъзи ҳудудларда олиб борилаётган «Обод қишлоқ» дастури фақатгина қоғозларда қолиб кетмоқда. Ишларнинг чала ташлаб кетилгани одамларнинг хурсандчилигига эмас, балки ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётди. Шундоқ ҳам муаммолар гирдобига қолган баъзи маҳаллалардаги вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Мухбирларимиз шу каби ҳолатларни қизиндан ўрганиб, оддий одамлар фикрлари билан қизиқди.

«Дарё бўйида яшаб, сувга ёлчимаяпмиз»

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани ҳудуди орқали Амударё устига қурилган катта кўприкдан ўтишингиз билан Хоразмнинг Чолиш қишлоғи ҳудудига кириб борасиз. Ҳар бир меҳмонда вилоят ҳақидаги дастлабки таассуротлар ушбу қишлоқ манзараларини томоша қилиш орқали шаклланади, десак, янглишмаймиз. Зеро, халқимиз остонага қараб уйга баҳо беришга одатланган.

қисмини таъмирлаш, кўчани ободонлаштириш ишларини бажардик. Аммо бизга боғлиқ бўлмаган юмушлар ҳам бор-да. Масалан, бир неча йилларди, маҳалламиз ҳудудига оқар сув келмайди. Имкон топган томорқасини насос ёрдамида ер ости сувларидан суғурлади. Натижада экин майдонларининг бир қисми қаровсиз қолиб кетяпти. Тоза ичимлик суви таъминоти учун пластмас-са қувурлар олиб келишганди. Бир неча ойдан буён офтоб тигида ётибди. Бу кетишда қувурлар ярқисиз холга келиб қолмасайди. Халқ мақолида айтилганидек, дарё бўйида яшаб сувга ёлчимаяпмиз.

Оролбўйи минтақасида тоза ичимлик суви таъминоти масаласининг нечоғлиқ долзарблиги кундек равшан. Қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми фойдаланаётган ер ости сувининг шўрлини даражаси юқорилиги боис истеъмол учун тавсия қилинмайди. Қишлоқ одамлари эса ер ости сувини ичишга ярқилигини аниқлаш учун ундан намуна олиб лабораторияга боришга ҳафсала қилмайди. Бундай сифатсиз суви узоқ муддат истеъмол қилиш

дан умидвор бўлгандик. Афсус, ҳалигача ҳолинг не, деб хабар олувчи бўлмади. Аслида, уй-жойни таъмирлаш ҳар бир оиланинг ўз зиммасидаги иш. Аммо турмуш ўртоғимнинг топгани ногирон қайнимни даволатиш ва рўзгорининг қундалик харажатларидан орта-япти. Фарзандларимни паспорт билан боғлиқ муаммо туфайли ишга қабул қилишмади. Мен ҳам вақтинча ишсизман. Иш билан таъминлаш ёки оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга ёрдам беришса, биз ҳам қаддимизни тиклаб олардик.

Қишлоқ ҳудудига ноқонуний бинолар бузиб ташланган бўлса-да, қонуний қурилган, бироқ бугунги кунда харобага айланган иморатлар маҳаллалар хуснига соя солиб турибди. Айниқса, илгари харбий лицей жойлашган бино ва иншоотлар мажмуи гўё урушдан кейин вайрон бўлган ҳудудни эслатади. Ошхона, ётоқхона, ёзи кино-театр, ёпиқ сузиш ҳавзасигача мавжуд бўлган бу масканда нахотки хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб

Қоғоздагиси эмас, амалдагиси ҳисоб

Уйчи туманидаги икки аҳоли пункти — Мевазор ҳамда Ҳожиобод маҳаллалари ушбу дастурга киритилган бўлиб, уларда аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини юксалтириш юзасидан катта ҳажмдаги бунёдкорлик юмушларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Бинолар пешайвонидаги деразалар сиңиб тушган. Ташқи ёритиш чироқлари йўқлигидан маҳалланинг туни зим-зий. — Жорий йилнинг баҳорида маҳалламиз «Обод қишлоқ» дастурига тушганини эшитиб, бошимиз осмонга етганди, — дейди Мактаб кўчасидаги икки қаватли уйнинг юқори қаватида яшовчи Нилуфар Сайдинова. — Эрта суюн-бимиз. Аввалига ҳовлидаги қурилма-лар, омбор, хатто, умийй ҳолатхона-гача шиддат билан бузиб ташланди.

ишлар аҳоли зиммасига юкланаётгани ҳамда қурилмиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун хонадон соҳиблари кредит олишга мажбурланаётганини айтишди. Хусусан, кўп қаватли уйларнинг том қисмини янгилаш учун ҳар бир хонадон ҳисобига кредит олиниши шарт қилиб қўйилмоқда. Бунга рози бўлганлар бор. Аммо яшовчиларнинг аксарияти эҳтиж-манд оилалар, ногиронлиги бор киши-лар эканлиги эътиборга олинса, уларга бу борада яна қийинчилик туғилмайдими?



Олвализор маҳалласининг абгор уйлари...

Ҳўш, маҳалла бўйича ишлаб чиқил-ган манзилли дастурдаги бошқа вази-фалар ижросига қандай ёндашилмоқ-да? Ҳудуддаги 8-умумтаълим мактаби ва 26-мактабгача таълим муассасаси биноларида қурувчилар фаолият олиб бораётгани, ички йўлларнинг бир қисми шағалланганини ҳисобга олганда кўзда тутилган тадбирларнинг катта қисмига ҳали қўл урилмаган. Масалан, гузар қурилиши бўйича ҳозиргача ама-лий ҳаракат бўлмади. Аҳоли хонадон-ларидан 450 тасида таъмирлаш ва кўча бўйларини ободонлаштириш режа-лаштирилган бўлса-да, одамлар унинг уд-дасидан чиқишга асло шошилишмаяп-ти. Кўпчиликда бу ишни кимдир келиб қилиб беради, деган боқимандалик кай-фияти кўзга ташланади. Шу ўринда кам даромадли ва ижтимоий ҳўмога муҳ-тож 10 та оиланинг тураржойини ҳоми-йлар кўмағида таъмирдан чиқариш бел-гиланганини айтиб ўтиш лозим. Бу бо-рада ҳам ҳаракат йўқ. Масалан, Олва-лизор кўчасида яшовчи Мавлула Ма-думарованинг хом гишдан тикланган уйи ярқисиз холга келиб қолган. Ёлғиз ўғли билан аҳолини яхшилашга кўзи етмайди. Маҳалланинг кўмағида умид қилганди. Бироқ ёрдам берадиган ҳо-мий топилмапти. Ҳовли жойи ноҷор ҳолатдаги Адҳамжон Қусановнинг ҳам қўли қисқа, яхшилар мадағида муҳтож.

Нурафшон номига муносиб бўлсин

Мирзаобод туманидаги Нурафшон маҳалласида дастлаб ноқонуний қурилган ва умийй манзарага соя солиб турган бинолар шунчалик тез бузиб ташландики, бундан нурафшонликлар ободонлаштириш ишлари ҳам айнаи шу суръатда бажарилари, деб хурсанд бўлишди.

нинг барчаси ҳам ўз уйлари фаса-дини лойиҳада кўрсатилган дара-жада таъмирлаш, кўча деворлари-ни қайта қуришга имкони йўқлиги-дир. Ваҳолонки, айнаи чоғда маҳал-лада уларга бу ишларни ўз маблаг-лари ёки кредит ҳисобига бажариш тавсия қилинмоқда. Вақт эса ўтиб бормоқда.

Ичимлик ва оқар сув масаласи

узилиш бўлган вақтда эса ичимлик суви муаммоси янада оғирлашади. Афсусланарлиси, Нурафшон маҳал-ласи экинзорлар ўртасида жойлаш-ган бўлса-да, оқар сув билан ҳам таъминланмаган. Қишлоқ кишилари-нинг айтишича, томорқаларидаги да-рахт ва бошқа экинларни челақда сув ташиб суғоришар экан.

Нурафшонликлар «Обод қишлоқ»



Ташландиқ бинонинг эгаси борми?

Аммо мана, бир неча ойдирки, қишлоқ вайрона кўринишида туриб-ди. Қайсибир оила молхонасиз, бошқаси кўча деворларисиз, хатто, айрим хонадонлар... ҳолатхонасиз қолиб, ноқулай ҳолатда кун кеचир-моқда. Қурилиш-ободонлаштириш ишлари эса бир неча кўчаларга ша-гал тўкилгани ва мактаб, боғча ҳамда қишлоқ оилавий поликлини-каларида олиб борилаётган таъмир-лаш ишларини айтмаса, жуда суст амалга оширилмоқда.

Бунга асосий сабаб эса аҳоли-

нурафшонликларни қийнаётган энг ўткир муаммо ҳисобланади. Маҳал-ла ҳудудига чиқарилган артезиан қудуқдан бир қултум ичган киши ла-боратория текширувларисиз ҳам уни истеъмолга ярқисизлигини биллиб олса бўлади. Холбуки, мана шу сув манбаси ҳам ҳудуддаги энг чекка хо-надондан бир километр узоқликда. Одамлар сув узатиладиган вақтда ана шундай узоқ-яқиндан эшак-ара-ва ҳамда бошқа уловларда арте-зиан қудуғига келиб, навбат билан сув олишади. Электр энергиясида

дастури ижросидан ана шу ва бошқа муаммолар ечимини кутиш-моқда. Қишлоқларнинг обод ҳамда кўркам бўлишига катта умид билан қараган ҳолда, ободонлаштириш ишларида ўзлари ҳам ҳамжиҳатлик билан қатнашишларини айтишмоқ-да. Уйлаймики, дастур ижросига масъул ташкилот ва раҳбарлар Мирзаободдаги мазкур маҳаллада олиб борилаётган «Обод қишлоқ» дастури ижросини тезлаштириш бо-расида янада аниқ чора-тадбирлар-ни белгилаб оладилар.



Бу ўтмишдан лавҳа эмас, Чолиш қишлоғининг бугунги куни.

қилиб, санаторий-профилактик ёки дам олиш маскани барпо этиб бўлма-са? Ваҳолонки, бир вақтлар ҳудди шу ерда бурғиланш йўли билан қазилган ер ости қудуғидан шифобахш сув отилиб чиққан эди.

Кисқаси, Чолишда «Обод қишлоқ» дастури бўйича бошланган хайрли ишлар асосида қолиб кетяпти. Йўлларни таъмирлаш, сув таъминотини йўлга қўйиш, оилавий тадбиркорликни ривожлан-тириш, янги иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш борасидаги ваъдалар ҳозирча ваъдали-гина турибди. Аҳоли эса дастурда бел-гиланган тадбирларнинг амалга оши-шини, эзгу ниятлар рўёбини кутиб яшамоқда.

Олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ҳожиобод маҳалласига йўл олдик.

4387 нафар фуқаро истиқомат қилаётган маҳалланинг номи бир пайт-лар унинг обод гўша бўлганидан дарак беради. Аммо ҳудуднинг бугунги ман-зарасидан кишининг дили хира бўлади ҳолос. Айниқса, ўтган асрнинг етми-шинчи йилларида қурилган ва шундан буён дурустроқ таъмир кўрмаган кўп қаватли уйларнинг аҳолига маймунар йўғлайди. Биноларнинг ташқи кўри-ни-ши бир алфозда. Хонадонларга ичи-лик суви чиқмайди. Канализация тар-моғи умуман ишламайди. Бир пайтлар гуруллаб ёнган табиий газдан фақат-гина қувурлар ёдгорлик қолган.

Бугун давр ҳар бир мутасаддидан одамлар дарди билан яшаш, уларнинг муаммоларини вақтида ҳал этиш, фаровон турмуш тарзини таъминлаш учун масъулият билан меҳнат қилишни тақозо этмоқда. Фидойи, ўз юртини севиб, унинг бугуни ва эртасидан қайғуриб иш тутган раҳбаргина халқнинг ишончини оқлайди. Йўқса...

Умид қиламизки, катта ишонч билдирилиб, масъул лавозимларга тайинланган мутасаддилар, сектор раҳбарлари буни чуқур ҳис этиб, ишга янгича ёндашсалар жойлардаги муаммолар, албатта, ўз ечимини топади.

Одилбек ОДАМБОВ,
Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғимиз Г — 845. 77 972 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер терминали ҳамда оператор А. Исмомов томонидан сўқдаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Муасхих — С. Исломов.